O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS
INSTITUTI
“BUXGALTERIYA HISOBI”KAFEDRASI

“BUXGALTERIYA HISOBINI MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARIGA JADAL O’TKZISHNING NAZARIY, TASHKILIY METODOLOGIK MASALALARI”

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman
MATERIALLAR TO’PLAMI

(2025-yil 13-mart)

Samarqanda- 2025 y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“BUXGALTERIYA HISOBI”KAFEDRASI

“BUXGALTERIYA HISOBINI MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARIGA JADAL O’TKZISHNING NAZARIY, TASHKILIY METODOLOGIK MASALALARI”

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLAR TO’PLAMI

(2025-yil 13-mart)

Samarqanda- 2025 y.

МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО ОБРОЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИИ

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

КАФЕДРА "БУХГАЛТЕРСТКЙ УЧЕТ"

"ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ, ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ И МЕТОДИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ УСКОРЕННОГО ПЕРЕХОДА БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА НА МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ"

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

международной научно-практической конференции

(2025 yil 13-mart)

Самарканд- 2025 г.

UO‘K: 657.5
B 97
KBK: 65.052

“Buxgalteriya hisobini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga jadal o‘tkazishning nazariy, tashkiliy metodologik asoslari” xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. 2025-yil 13-mart. Samarqand, SamISI 2025. 385 - bet

To‘plovchi nashrga tayyorlovchi:
S.N.Tashnazarov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nashr uchun mas’ullar:

1. **K.B.Urazov**- iqtisodiyot fanlari doktori, professor
2. **A.N.Xoliqulov**- iqtisodiyot fanlari doktori, professor
3. **U.A.Shirinov**- PhD, dotsent.

Sahifalovchi: Ruxsora Pardaboyeva.

Ushbu an’anaviy ilmiy-amaliy konferentsiya materiallarida Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida korxonalarda aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, daromadlar va xarajatlarni tan olish va baholash hamda moliyaviy hisobot masalalari; Innovatsion iqtisodiyot sharoitida auditni xalqaro standartlar asosida tashkil etish va o‘tkazishning tashkiliy dastaklari hamda metodologik masalalari; Yashil iqtisodiyot sharoitida xizmat ko‘rsatish tarmoqlari iqtisodiyotini rivojlantirish hamda iqtisodiy tahlil, marketing va menejmentni takomillashtirish; hamda innovatsion iqtisodiyot sharoitida moliya, sug‘urta, soliqqa tortish, investitsiya va bank sohalarini xalqaro standartlar asosida tashkil etish va rivojlantirish masalalari bo’yicha maqolalar va tezislar o’rin olgan.

Oliy ta’lim professor-o’qituvchilari, talabalar, magistrlar, tayanch doktorantlar, doktoranturada tahsil oluvchilar, mustaqil izlanuvchilar va soha mutaxassislariga mo’ljallangan.

Ushbu xalqaro konferensiyada keltirilgan ilmiy taklif va tavsiyalardan buxgalteriya hisobi va auditni xalqaro stsndartlarga jadal o’tkazishda hamda yashil iqtisodiyot sharoitida iqtisodiyotni

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori, 2020 yil 24 fevral, PQ-4611-son.
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Qurilish – montaj ishlari sifatini tubdan yaxshilash va qurilishni nazorat qilish tizimini takomillashtirish chora tadbirlari" to'g'risidagi PQ-4586 sonli qarori-06.02.2020.
9. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini qurilish tarmog'ini modernizastiya qilish, jadal va innovastion rivojlantirishning 2021-2025 yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risidagi" PF-6119 sonli farmoni – 28.11.2020.

10. Экономика строителства: Учебник / под общей ред. И.С.Степанова.- 3-е изд., доп. и перераб. - М.: Юрайт-Издат, 2004..

11. Аренс Э.А., Дж.К. Лоббек. Аудит. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2001.

12. Гусева М.И., Коготкова И.З. Маркетинг в строителстве. Учебное пособие.(Серия «Высшая школа»). – М.: Книжный мир, 2011.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРДА СОТИШ ЖАРАЁНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ САЛМОҚЛИ КОМПОНЕНТИ ВА ҚАЙТАРИШ ҲУҚУҚИ

Тоҳир Толмас Ўғли Сатторов – СамИСИ,
"Бухгалтерия ҳисоби" мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада қайтариш ҳуқуқи тушунчасига таъриф берилган. Қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активни олдиндан баҳолаш асосида тушумни аниқлаш тартиби келтирилган. Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган тушум ҳамда қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активларга доир бухгалтерия ёзувлари ишлаб чиқилган. Қайтарилиш муддат тугагандан кейин қайтарилиш ҳуқуқи кўринишидаги активлар, қайтарилиш бўйича мажбуриятлар ҳамда тушум ва сотилган тайёр маҳсулотлар таннархига киритиладиган ўзгартиришларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тадқиқ этилган.

Калитли сўзлар: қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги актив, қайтариш бўйича мажбуриятлар, молиялаштиришнинг салмоқли компоненти, тушум, сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи, тушумни келтирилган қийматда баҳолаш.

Аннотация: В данной статье определяется понятие права на возврат. Представлен порядок определения выручки на основе предварительной оценки актива в виде права на возврат. В соответствии с требованиями международных стандартов разработан бухгалтерский проводки по операциям связанные с выручкой от реализации готовой продукции и активов в виде права возврата. После окончания периода возврата исследованы вопросы учета активов в виде прав на возврат, обязательств по возврату, а также внесения изменения в выручки и себестоимости реализованной готовой продукции.

Ключевые слова: актив с правом возврата, обязательство по возврату, значительный компонент финансирования, выручка, себестоимость реализованной готовой продукции, оценка выручки по приведенной стоимости.

Abstract: This article defines the concept of right of return. The procedure for determining revenue based on the preliminary valuation of an asset in the form of a right of return is presented. In accordance with the requirements of international standards, accounting records of assets in the form rights of return and revenue from the sale of finished products have been developed. After the end of the return period, assets in the form of return rights, return obligations, and changes in revenue and cost of finished goods sold have been studied.

Key words: right-of-return asset, return liability, significant component of financing, revenue, cost of finished goods sold, valuation of revenue at quoted value.

КИРИШ.

Ўзбекистонда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) жадал жорий этилмоқди. 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандарти 2018 йил 1 январдан жорий қилинди. Бу стандарт олдин амалга бўлган 18-сон БҲХС “Тушумлар” стандарти ўрнига жорий эьтилди. Ушбу янги стандарт олдинги стандартдан фарқли равишда тушумларни ҳисобга олишда бир қанча ўзгаришларни ўз ичига олади. Бундай ўзгаришларга тушумларни бешта босқичда ҳисобга олиш, қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активни ҳамда қайтариш мажбурияти тан олиш, шартнома бўйича актив ва шартнома бўйича мажбуриятлар тан олишга доир қоидалар киритиш мумкин. МҲХСларига ўтаётган Ўзбекистон компаниялари учун ушбу ўзгаришларни ҳисоб сиёсатида акс эттириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда сотиш жараёнида тушумларни ҳисобга олишда долзарб бўлган масалалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: Тушумни тан олиш, тан олиш моментини аниқлаш ва баҳолаш; молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд бўлганда тушумларни келтирилган қийматда баҳолаш; операция нархи ва уни бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш; қайтарилиш ҳуқуқини ҳамда қайтариш бўйича мажбуриятларни баҳолаш ва ҳисобда акс эттириш бўйича услубий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш; ва молиявий ҳисобот масалалари.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 8 октябрдаги181-сон буйруғига асосан тасдиқланган "Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги" Низомга МҲХСларига ўтган ташкилотлар учун молиявий ҳисобот таркиби ва шакли белгилаб берилди. Албатта ушбу ҳужжатда келтирилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳар бир моддасини чуқур тадқиқ этишни зарурияти мавжуд. Шу боис, 15-сон МҲХСларига мувофиқ тушумни тадқиқ этиш масалалари долзарб ҳисобланади.

15-сон МҲХС талабларида қуйидаги жараёнлар жиддий ёндашувни таққазо этган ҳолда тушумни тан олишда муҳим ҳисобланади.

1. Харидорнинг ўз ихтиёри билан ҳеч қандай сабабсиз харид қилиб олинган тайёр маҳсулот (товар)лардан бош тортиши;

2. Харид қилиб олинган тайёр маҳсулотлар (товарлар) сифати стандарт ёки бошқа қўйиладиган талабларга етарли даражада жавоб бермаслиги;

3. Тайёр маҳсулот (товар)ларнинг сақлаш муддати ўтиб кетган бўлса;

4. Шартномада (буюртмада) кўрсатилган тайёр маҳсулотлар (товарлар) ўрнига бошқа тайёр маҳсулотлар (товарлар) жўнатилганда ёки ассортименти, жумладан тури, размери, комплекти, модели, маркаси, ранги, қуввати ва бошқа кўрсаткичлари буюртма берилган кўрсаткичларга мувофиқ келмаса;

5. Етказиб берилган тайёр маҳсулотларда (товарларда) дефект бўлса ёки брак бўлса;

6. Таъминотчи томонидан тайёр маҳсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса;

7. Етказиб берилган тайёр маҳсулотларнинг тара ва упаковкасига эътироз мавжуд бўлса;

8. **Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда;**

9. Товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишлик талабларига жавоб бермаслиги.

15-сон МҲХС (2024) “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандарти бўйича E&Y халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан чоп эттирилган илмий-амалий ишда [11] “қайтариш ҳуқуқи” деган тушунча киритилган. Албатта ушбу кўрсаткичга таъриф бериш, уни баҳолаш ва ҳисобларда акс эттириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида қайтариш ҳуқуқи деганда, харидор билан тузилган шартномага мувофиқ маълум салмоқли муддатда қайтариб бериши мумкин бўлган товар/хизматларнинг баҳоланган суммасига айтилади. Бунда ҳисобга олишнинг бир қанча хусусиятлари мавжуд бўлади.

Биринчидан, бундай ҳолатларда ташкилот товарларнинг қайтмаслигини юқори даражадаги эҳтимол билан баҳолай олмайди, яъни юқори эҳтимол билан товарнинг қайтмасилигини тасдиқловчи маълумотларга эга бўлмайди. Бундай ҳолларда қайтариш ҳуқукини тан олиши талаб этилади.

Товарларнинг қайтарилиши юз бермайди ва натижада тан олинган жамғарилган тушум суммасининг салмоқли камайишига олиб келмайди деб юқори эҳтимоли билан баҳолашни амалга ошириш қийин.

Иккинчидан, стандартга мувофиқ ташкилот тушумни шартномада харидорга тақдим қилинган қайтариш муддати тугагунга қадар тан олмайди. Ушбу муддат давомида сотилган товар (тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар) қайтариш ҳуқуқи сифатида тан олинади ва баҳоланади.

Учинчидан, қайтариш муддати давомида товар қайтарилмаса, қайтариш муддати тугагандан кейин тушум тан олинади. Агарда қайтарилса қайтариш ҳуқуқи деб тан олинган захиралар одатдаги захиралар счётига ўтказилади.

Ушбу жараённи ҳисобга олиш тартибини корхоналар амалиётига жорий этамиз. Корхона харидор билан қуйидаги мазмунда шартномани тузди: Ташкилот ваъда қилинган тайёр маҳсулотни шартнома тузган санада, яъни 2023 йил 10 январда етказиб беради. Тайёр маҳсулотни сотиш нархи 157 845 000 сўм, сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи 135 448 500 сўм. Харидор ушбу маҳсулот учун тўловни 24 ойдан кейин, яъни 2025 йил 10 январда амалга оширади. Бундан кўриниб турибдики, тайёр маҳсулотни сотиш тижорат кредити ҳисобланиб, бу ҳолат молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжудлигидан далолат беради. Дисконтлаш ставкаси 6%. Тайёр маҳсулот 2023 йил 10 январда етказилиб берганлиги муносабати билан харидор тайёр маҳсулотга бўлган назорат ҳуқуқини қўлга киритади. Лекин, бу тушумни тан олишни маълум сабабларга кўра кечиктириш ҳолатлари мавжуд бўлиши мумкин. Шартномага харидор тайёр маҳсулотни 60 кун ичида қайтариши мумкинлигини кўзда тутувчи бандлар киритилган. Қайтарган тақдирда ташкилот уни қабул қилиб олиши ва шу асосда шартнома бекор бўлиши кўзда тутилган. 15-сон МҲХСлари талабларига асосан ташкилот харидорга тайёр маҳсулотни назорат қилиш ҳуқуқини ўтказган вақтда тан олмайди, чунки харидорда қайтариш ҳуқуқи мавжуд. Ташкилот юқори эҳтимол билан тайёр маҳсулот қайтарилиши юз бермаслигини баҳолай олмайди. Бу борада тасдиқловчи маълумотларга эга эмас. Шу боис, тушум 2 ойдан кейин, яъни харидор томонидан қайтариш муддати тугагандан кейин тан олади. У ҳолда ташкилот 2023 йил 10 мартда тушумни тан олади.

Ушбу маълумотларга асосан тушумнинг келтирилган қийматини, яъни стандартдаги атамалар тавсифида тайёр маҳсулотни сотишнинг "пулли" нархини аниқлаймиз. Ушбу ҳисоб-китоблар натижасини қуйидаги 1-жадвалда расмийлаштирамиз.

1-жадвал. **ASIA CARPET TEXTILE" МЧЖ корхонаси бўйича тушумни келтирилган қийматда баҳолаш**[30]

[30] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

Давр			Тушумни баҳоланган суммаси
2023 йил 10 январь			Чиқарилган тайёр маҳсулотнинг суммаси: 157 845 000
2025 йил 10 январь			$PV = \frac{157\,845\,000}{(1+0.06)^2}$ = 157 845 000 /1,1236 = 140 481 488
Жами			**140 481 488**

15-сон МҲХСлари талабларига мувофиқ “қайтариш ҳуқуқи” бўйича алоҳида счёт очиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Корхонанинг ишчи счётлар режасига 3310 “Тайёр маҳсулотлар ва товарларни қайтариш ҳуқуқига доир актив” счётини киритишни тавсия этамиз. Юқоридаги жараёнларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида фойдаланиладиган ишчи счётларни қуйидаги жадвалда келтирамиз (2-жадвал).

2-жадвал. **“ASIA CARPET TEXTILE” МЧЖ корхонасининг ишчи счётлар режасида тушумни, дебиторлик қарзлари ҳамда қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар**

	Ҳисобга олувчи счётлар
Счёт-лар т.р.	
0940	Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари
2810	Тайёр маҳсулотлар
3310	**Тайёр маҳсулотлар ва товарларни қайтариш ҳуқуқига доир актив**
4010	Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар
5110	Банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари
6990	**Қайтариш бўйича мажбуриятлар**
9010	Тайёр маҳсулотларни харидорлар билан шартномалар бўйича сотишдан тушумлар
9040	**Сотишнинг қайтарилиши ва нархидан тушишлар**
9110	Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи
9530	Фоиз кўринишидаги даромадлар

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида бухгалтерия счётларида акс эттирамиз (3-жадвал).

3-жадвал. **“ASIA CARPET TEXTILE” МЧЖ корхонаси бўйича халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тайёр маҳсулотларни сотишдан**

олинган тушум ҳамда қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активларга доир бухгалтерия ёзувлари[31]

Сана	Бизнес иқтисодий операция мазмуни	Счётлар боғланиши		Сумма
		Д-т	К-т	
2023 йил 10 январь	Ташкилот ваъда қилинган тайёр маҳсулотни шартнома тузган санада, яъни 2023 йил 10 январда етказиб беради. 2 ой ичида қайтариб бериш ҳуқуқи тақдим этилганлиги учун чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи қайтариб бериш ҳуқуқига доир активлар счётига ўтказилиб турилади	3310	2810	135 448 500
2023 йил 10 март	**1-ҳолат.** Ташкилот томонидан харидорга етказиб берилган тайёр маҳсулот 2 ой муддат ичида қайтарилмади. Шу боис, тушум тан олинди	0940	9010	140 481 488
2023 йил 10 март	Тушум тан олинганлиги муносабати билан қайтариб бериш ҳуқуқи кўринишидаги актив счётидан сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи счётига ўтказилади	9110	3310	135 448 500
2024 йил 10 январда	Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари жорий дебиторлик қарзларига ўтказилди	4010	0940	140 481 488
2025 йил 10 январда	Молиялаштиришнинг салмоқли компоненти мавжуд деб ҳисобланганлиги боис тайёр маҳсулотни сотиш қиймати билан келтирилган қиймати ўртасидаги фарқ суммаси фоиз бўйича даромадлар сифатида тан олинди (157 845 000 – 140 481 488 = 17 363 512)	4010	9530	17 363 512

[31] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

2025 йил 10 январда	Ташкилотнинг ҳисоб-китоб счётига харидордан сотилган тайёр маҳсулотлар учун пул келиб тушди	5110	4010	157 845 000
2023 йил 10 март	**2-ҳолат.** Ташкилот томонидан харидорга етказиб берилган тайёр маҳсулот 2 ой муддат ичида қайтарилди	2810	3310	135 448 500

Ушбу жадвал маълумотлари асосида хулоса қиладиган бўлсак, 15-сон МҲХСлари талабларига мувофиқ 2 ой мабойнида фоиз бўйича даромадлар тан олинмайди. Чунки, ушбу ҳолатларда дебиторлик қарзлари ёки шартнома бўйича активлар тан олинмаган. Шу боис, фоизлар харидорга тақдим этилган муддат давомида тан олинмайди. Шартномани тузган пайтдаги дебиторлик қарзлари билан 2 ой муддат ўтгандан кейинги дебиторлик қарзларининг адолатли қиймати ўртасида салмоқли фарқ юзага келмаган. Дебиторлик қарзларининг қадрсизланиши юз бермаган. Фоиз бўйича даромадлар харидордан пул олингунга қадар тан олинмайди. 9-сон МҲХС стандартига мувофиқ самарали фоиз ставкасини аниқлашда ташкилот шартноманинг қолган амал қилиш муддати инобатга олиниши лозим бўлади.

21-сон БҲМСга мувофиқ қайтарилган тайёр маҳсулотлар суммасини ҳисобга олиш учун 9040-счёт "Сотилган товарларнинг қайтиши" кўзда тутилган. Миллий стандарт талабларига кўра тайёр маҳсулотлар шартнома шартига мувофиқ қайтарилганда қайтариш бўйича мажбурият тан олиниши талаб этилади. қуйидаги ёзувлар берилади (4-жадвал).

4-жадвал. **МЧЖ "ASIA CARPET TEXTILE" корхонаси 2024-йилда сотилган тайёр маҳсулотлар шартнома шартларига мувофиқ қайтарилганда миллий стандартларга асосан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш [12]**

Сана	**Бизнес-иқтисодий операция мазмуни**	**Счётлар боғланиши**		**Сумма**
		Д-т	**К-т**	
30 январь 2024 йил	Харидор таъминотчига тайёр маҳсулотлар қайтариш бўйича асоснома тақдим этилди. Ушбу асосномага асосан харидор томонидан тайёр маҳсулот қайтарилди ва таъминотчи ташкилот томонидан қабул қилинди (ҚҚСсиз)	9040	6990	240 350 400

30 январь 2024 йил	Қайтарилган тайёр маҳсулотлар тўғри келадиган ҚҚС ҳисобланди ҳамда бюджетга ҳисобланган ҚҚС шу суммага камайтирилди (240 350 400 сўм x 12% / 100%) = 28 842 048 сўм	6410	6990	28 842 048
30 январь 2024 йил	Харидорга қайтарилган тайёр маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб счётидан пул қайтарилди (240 350 400 + 28 842 048 = 269 192 448)	6990	5110	269 192 448
30 январь 2024 йил	Қайтарилган тайёр маҳсулотлар қабул қилинганлиги муносабати билан тайёр маҳсулотлар счётига қабул қилинди ва сотилган тайёр маҳсулотлар таннархига тўғирлашлар киритилди. Қайтарилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи 195 460 800 сўм	2810	9110	195 460 800
30 январь 2024 йил	Ҳисобот даврининг тушумига тўғирлашлар киритилди	9010	9040	240 350 400

Ушбу 3-жадвал маълумотларини юқоридаги жадвал маълумотлари билан солиштирадиган бўлсак, бир қанча фарқларни аниқлаш мумкин бўлади. **Биринчидан**, амалдаги тартибда тайёр маҳсулотлар қайтарилганда тушум кескин камайиши юзага келмоқда. Юоридаги мисолимизда тушум суммасини 240 350 400 сўмга камайтиришга олиб келмоқда. Тушумнинг кескин камайиб кетиши маълум муаммоларни юзага келтиради. Бу ўз навбатида фойдани ҳамда фойда солиғи суммасини ҳисоблашда маълум тўғирлашларни амалга оширишни тақозо этади. Натижада, бухгалтерия ҳисобида маълумотларнинг ишончлигига таъсир кўрсатади. Солиқ органларига қайта ҳисоб топшириш, ушбу ҳолат бўйича тушунтиришлар ва очиқлашлар киритиш зарурияти мавжуд бўлади. **Иккинчидан,** амалдаги тартибда қайтарилиш эҳтимолини баҳолаш амалга оширилмаган. Олдиндан кўра билиш, ўтган тажрибалардан хулоса қилиш асосида қайтарилишларни баҳолаш зарурияти мавжуд. Бу борада халқаро стандартларда олдиндан баҳолаш асосида қайтариш бўйича мажбуриятларни ҳамда қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активларни тан олиш муҳим аҳамият касб этади. **Учинчидан**, қайтарилишлар қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳам ҳисоб-китобларни тўғирлашни талаб этади. Олинган ҚҚСнинг камайиши бюджетга тўланадиган ҚҚСнинг камайишига олиб келади. Бу ҳолат ҳам очиқлашларни талаб этади. Таъкидлаш лозимки,

харидорлардан тайёр маҳсулотлар ва товарларнинг қайтарилиши бу юз бериши муқаррар жараён ҳисобланади. Бунинг 100% олдини олишнинг имконияти йўқ. Харидор ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши таъминланган. Шунинг учун у исталган пайтида маҳсулотлар ва товарларни қайтаришга қарор қилиши мумкин. Бу нормал бизнес жараёни ҳисобланади. Юзага келган ҳолатдан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисобида тайёр маҳсулотлар ва товарларнинг қайтарилиши юз бергандан кейин эмас, балки олдиндан баҳолаш асосида тушумлар ва солиқларни ҳисоблаш тартибига ўтиш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаймиз. Натижада, ортиқча ҳисоб-китоблар, тўғирлашлар, тушунтиришлар ва очиқлашларга зарурият қолдирмайди.

15-сон МҲХС қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активларни олдиндан баҳолаш асосида тушумни аниқлаш ҳамда баҳоланган қайтарилишлар суммасини тушум суммасига киритмаслик бўйича бандлар киритилган. Лекин, мамлакатимизда ушбу бандларнинг қўллаш бўйича услубий тартиб қоидалар етарли эмас. Қайтарилишларни баҳолаш асосида тушумни аниқлаш тартиб қоидаларини корхоналарнинг амалиётига жорий қилиш масалаларини кўриб чиқайлик.

Корхона 180 бирлик маҳсулотни 2023 йил 10 декабрда сотди 2 450 500 сўмдан сотди. Маҳсулот бирлигининг таннархи 2 025 600 сўмни ташкил этган. Шартномада харидор ушбу маҳсулотларни 2 ой ичида қайтариш ҳуқуқига эга. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, 100 та сотилган маҳсулотдан 5 таси қайтарилган. У ҳолда юқори эҳтимол билан баҳолаш мумкинки, 180 та сотилган маҳсулотдан 9 таси қайтарилади. Ушбу ҳолатда маҳсулотни етказиб берувчи ташкилот сотиш жараёнини бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттиради.

Олдиндан баҳолаш асосида қайтариладиган тайёр маҳсулотлар ва товарларни баҳолаш ва тушумни ҳисоблаш тартибини қуйидаги 5-жадвалда акс эттирамиз.

5-жадвал. **МЧЖ “ASIA CARPET TEXTILE” корхонаси бўйича олиндан баҳолаш асосида қайтарилган тайёр маҳсулотларни халқаро стандартларга асосан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш**[32]

Сана	Бизнес-иқтисодий операция мазмуни	Счётлар боғланиши		Сумма
		Д-т	К-т	
2023 йил 10 декабрь	Харидорга 180 бирлик маҳсулот 2450500 сўмдан сотилди. Баҳолаш асосида аниқландики, сотилган 180 та маҳсулотлар 171 таси қайтарилмайди. У ҳолда халқаро	4010	9010	419 035 500

[32] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

	стандартларга асосан тан олинадиган тушум суммаси (171 x 2 450 500 = 419 035 500)			
2023 йил 10 декабрь	Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ташкилот қайтариш бўйича мажбуриятларни ҳам тан олиши талаб этилади. Қайтариш бўйича мажбурият суммаси (9 x 2 450 500 = 22 054 500)	4010	6990	22 054 500
2023 йил 10 декабрь	Харидордан сотилган 180 бирлик маҳсулот учун пул келиб тушди	5110	4010	441 090 000
2023 йил 10 декабрь	Сотилган деб тан олинган 171 та тайёр маҳсулот таннархи бўйича ҳисобдан чиқарилди (171 x 2 025 600 = 346 377 600)	9110	2810	346 377 600
2023 йил 10 декабрь	Тайёр маҳсулотларни қайтариш ҳуқуқига доир актив тан олинди (9 x 2 025 600 = 18 230 400)	3310	2810	18 230 400
2023 йил 31 декабрь	Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи сотиш натижаларига ўтказилди	9010	9110	346 377 600

Ушбу жадвал маълумотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, халқаро стандартларга мувофиқ, тушум суммаси баҳолаш асосида аниқланган қайтарилишлар суммасига камайтирилган. Бу ҳолат тушумни ишончли баҳолаш имкониятини беради. Ташқи ахборот фойдаланувчилар ва солиқ органларига тақдим этилаётган ахборотларнинг ҳаққоний бўлишини таъминлайди. Халқаро стандарт қайтарилиш эҳтимолини баҳолаш асосида ташкилотнинг қайтариш бўйича мажбуриятини тан олишни талаб этади. Бундан ташқари юқоридаги ҳисоб-китобларда тайёр маҳсулотларнинг қайтариш ҳуқуқига доир активлари юзага келишини қайд қилинган. Ушбу активни тан олиш ва ҳисоботларда тақдим этиш талаб этилади.

Юқорида хорижий тажрибаларда "Сотишнинг қайтарилиши ва нархидан тушишлар" счётни очиш таклиф этилган. Унга мувофиқ равишда маҳсулотларни (товарларни) сотишдан олинган соф тушум ялпи тушумдан қайтарилган тайёр маҳсулотлар ва нархидан тушишлар суммасини айириш орқали топилади. Лекин, 15-сон МҲХСлари жорий этилиши муносабати билан ушбу тартибда маълум ўзгаришлар бўлди. Баҳоланган қайтаришлар суммаси тушум суммаси таркибига киритилмаган. Бундан келиб чиқадики,

ялпи даромад қайтиладиган сотиш суммасини ўз ичига олмайди. Бизнинг назаримизда 9040 "Сотишнинг қайтарилиши ва нархидан тушишлар" счётидан фойдаланишда ушбу жиҳатларни инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги жараёнда қайтариш муддати ичида:

1-ҳолат: Харидор 7 маҳсулотни қайтарди. Қайтарилган маҳсулотнинг сотиш баҳосидаги суммаси (7 х 2 450 500 = 17 153 500 сўм) ташкил этади. Қайтарилган маҳсулотларнинг таннархи (7 х 2 025 600 = 14 179 200 сўм) бўлади. Сотиш санасида қайтариладиган маҳсулот сони 9 та деб баҳоланган эди. У ҳолда баҳоланган кўрсаткичга нисбатан 2 та маҳсулот кам қайтарилган.

2-ҳолат: Харидор 13 та маҳсулотни қайтарди. Қайтарилган маҳсулотнинг сотиш баҳосидаги суммаси (13 х 2 450 500 = 31 856 500 сўм) ташкил этади. Қайтарилган маҳсулотларнинг таннархи (13 х 2 025 600 = 26 332 800 сўм) бўлади. Сотиш санасида қайтариладиган маҳсулот сони 9 та деб баҳоланган эди. У ҳолда баҳоланган кўрсаткичга нисбатан 3 та маҳсулот кўп қайтарилган.

Ушбу жараёнларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирамиз (6-жадвал).

6-жадвал. **МЧЖ "ASIA CARPET TEXTILE" корхонаси бўйича қайтариш муддати тугагандан кейинги ҳолатларни халқаро стандартларга асосан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш**[33]

Сана	Бизнес-иқтисодий операция мазмуни	Счётлар боғланиши		Сумма
		Д-т	К-т	
	1-ҳолат			
2024 йил 10 февраль	Қайтариш муддат тугагандан кейин 3310 "Тайёр маҳсулотларни қайтариш ҳуқуқига доир актив" счётидан 2810 "Тайёр маҳсулотлар" счётига ўтказилади (9 х 2 025 600 = 18 230 400 сўм)	2810	3310	18 230 400
2024 йил 10 февраль	Баҳоланган қайтариш миқдори билан ҳақиқатда қайтарилган миқдор ўртасида фарқ суммасига [(9-7) х 2025 600 сўм]	9110	2810	4 051 200

[33] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

2024 йил 10 февраль	Қайтариш бўйича мажбурият суммасига тўғирлашлар киритилди (2 х 2 450 500 = 4 051 200 сўм)	6990	9040	4 901 000
2024 йил 10 февраль	Харидорга қайтариш бўйича ҳақиқий мажбурият суммаси ҳисоб-китоб счётидан қайтариб берилди (7 х 2450 500 сўм)	6990	5110	17 153 500
2024 йил 10 февраль	9040 "Сотиш қайтарилиши ва нархидан тушишлар" счётининг кредитидаги сумма 9010 "Сотиш натижалари" счётига ўтказилди (2 х 2 450 500 = 4 901 000 сўм)	9040	9010	4 901 000
2024 йил 28 февраь	9110 "Сотиш таннархи" счётининг дебетида сумма 9010 "Сотиш натижалари" счётига ўтказилди	9010	9110	4 051 200
	2-ҳолат			
2024 йил 10 февраль	Қайтариш муддат тугагандан кейин 3310 "Тайёр маҳсулотларни қайтариш ҳуқуқига доир актив" счётидан 2810 "Тайёр маҳсулотлар" счётига ўтказилади (9 х 2 025 600 = 18 230 400 сўм)	2810	3310	18 230 400
2024 йил 10 февраль	Ҳақиқатда қайтарилган миқдор билан Баҳоланган қайтариш миқдори ўртасида фарқ суммасига [(13-9) х 2025 600 = 8 102 400 сўм]	2810	9110	8 102 400
2024 йил 10 февраль	Қайтариш бўйича мажбурият суммасига тўғирлашлар киритилди (4 х 2 450 500 = 9 802 000 сўм)	9040	6990	9 802 000
2024 йил 10 февраль	Харидорга қайтариш бўйича ҳақиқий мажбурият суммаси ҳисоб-китоб счётидан қайтариб берилди (13 х 2 450 500 сўм)	6990	5110	31 856 500
2024 йил 10 февраль	9040 "Сотиш қайтарилиши ва нархидан тушишлар" счётининг дебетидаги сумма 9010 "Сотиш	9040	9010	9 802 000

	натижалари” счётига ўтказилди (4 х 2 450 500 = 4 901 000 сўм)			
2024 йил 28 февраь	9110 “Сотиш таннархи” счётининг кредитидаги сумма 9010 “Сотиш натижалари” счётига ўтказилди	9110	9010	8 102 400

Ушбу жадвал маълумотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, тавсия этилган услубий тартиб-қоидалар халқаро стандартлар талабларига жавоб беради. Ушбу тартибда сотишнинг қайтарилиши алоҳида счётда ҳисобга олинмоқда. Сотиш муддати тугаши муносабати билан қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги актив захираларга ўтказилмоқда. Тайёр маҳсулотлар харидордан қайтарилиши билан ташкилот олдида юзага келган қайтариш бўйича мажбуриятлар сўндирилмоқда. Қайтарилиши сабабли сотилган маҳсулотлар (товарлар) таннархи ва тушум суммаларига тегишли ўзгартиришлар киритилган.

Юқоридаги тадқиқотларга таяниб, ташкилотларда тайёр маҳсулотлар қайтарилиши жараёнини халқаро стандартларга мувофиқ ҳисобга олишни қуйидаги олтита босқичда амалга оширишни таклиф этамиз:

Биринчи босқич, шартномада харидорнинг тайёр маҳсулотларни қайтариш бўйича ҳуқуқини эътироф этиш. Бунда шартномада харидор қанча вақт ичида харид қилинган тайёр маҳсулотларни қайтариши мумкинлиги қайд қилинади;

Иккинчи босқич, қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активни тан олиш. Ушбу босқичда, қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги актив иккита усулдан бирини танлаган ҳолда аниқланади. Биринчи усул, сотилган тайёр маҳсулотлар (товарлар) бўйича тушумни қайтариш муддатигача тан олмасдан, тўлиқ суммани қайтариш ҳуқуқи кўринишида актив сифатида акс эттириш. Иккинчи усул, қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активни баҳолаш асосида аниқлаш. Бунда тушум суммаси жами сотилган маҳсулотлар қийматидан қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги актив суммасини чегириб ташлаш орқали аниқланади;

Учинчи босқич, ташкилотда қайтариш бўйича мажбуриятни аниқлаш. Одатда қайтариш бўйича мажбурият суммаси тан олинган қайтариш ҳуқуқи кўринишдаги актив суммасига тенг бўлади;

Тўртинчи босқич, қайтариш муддати тугагандан кейин ҳақиқий қатарилиши билан баҳоланган қайтарилишиларни солиштириш;

Бешинчи босқич, қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активни ҳисобдан чиқариш ва қайтариш бўйича мажуриятларни сўндириш;

Олтинчи босқич тушум, сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи счётларига тегишли ўзгартиришларни қилиш.

Ушбу жараёнларни қуйидаги расмда акс эттирамиз (1-расм).



1-расм. Сотишдан қайтарилишларни ҳисобга олиш кетма-кетлиги[34]

1-расм маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, тайёр маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқ қайтарилиши жараёнини ҳисобга олиш маълум бир кетма-кетликда бўлишлиги унинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди. Ташкилотларнинг ҳисоб сиёсатининг мукаммал бўлишига хизмат қилади. Белгиланган ҳар бир

[34] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

босқичда амалга ошириладиган ишлар рўйхатини ҳам белгилаб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулосалар.

Сотилган тайёр маҳсулотлар ва товарларнинг қайтарилиши жараёнида халқаро стандартлар асосида тадқиқ қилиш бўйича қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. "Қайтариш ҳуқуқи" тушунчасининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида тавсифи берилди. Унинг характерли жиҳатлари очиб берилди.

2. Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган тушум ҳамда қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги активларга доир бухгалтерия ёзувлари таклиф этилди. Корхоналарнинг ишчи счётлар режасига 3310 "Қайтариш ҳуқуқи кўринишидаги актив" счётини очиш тавсия этилди. Ушбу счётга оид бўлган бухгалтерия ёзувлари асосланди.

3. Тадқиқотлар асосида харидор томонидан харид қилиб олинган тайёр маҳсулотлар (товарлар) қайтарилишининг асосий сабаблари очиб берилди. Сотилган тайёр маҳсулотлар шартнома шартларига мувофиқ қайтарилганда миллий стандартларга асосан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби таҳлил қилиниб унинг халқаро стандартлардан фарқли жиҳатлари асосланди.

4. МЧЖ "ASIA CARPET TEXTILE" корхонаси амалиётига олдиндан баҳолаш асосида қайтариладиган тайёр маҳсулотлар (товарлар)ни баҳолаш ва тушумни ҳисоблаш тартибини халқаро стандартларга асосан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби жорий этилди.

5. Қайтарилиш муддат тугагандан кейин қайтарилиш ҳуқуқи кўринишидаги активлар, қайтарилиш бўйича мажбуриятлар ҳамда тушум ва сотилган тайёр маҳсулотлар таннархига киритиладиган ўзгартиришлар халқаро стандартларга асосан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби ишлаб чиқилди.

Ушбу тартиб-қоидаларнинг амалиётга жорий этилиши 15-сон МҲХСлари талабларига мувофиқ тушумларни ҳисобга олиш, қайтарилишларни баҳолаш ҳамда ҳисоботларда тушум ва сотилган маҳсулот таннархи тўғрисида ишончли маълумотларни акс эттириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун. 1996 йил 26 апрель. https://www.lex.uz/acts/4704

2. 15-сон МҲХС "Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар" //https://fin-accounting.ru/ifrs/ifrs15

2. Н.ВЗиновьева. Методика возврата товаров. //Форум молодых ученых №7(11) 2017, 248-с. https://cyberleninka.ru/article/n/metodika-vozvrata-tovarov-v-buhgalterskom-uchyote/viewer

3. Валерия Королева. Возврат товара поставщику в 2024 году: документы и проводки //https://www.moysklad.ru/poleznoe/shkola-torgovli/vozvrat-tovara-postavschiku/?utm_source=google.com&utm_medium=organic&utm_campaign=google.com&utm_referrer=google.com

faktury_na_vozvrat_tovara_(ntv_n_13_ot_26_marta_2019_g_)&products=12_umnaya_podshivka

4. С.Н.Ташназаров. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1. –Самарқанд.: "STEP-SEL" МЧЖ нашриёти, 2023-580 бет.

Интернет сайтлари рўйхати

https://ifrs.academy/uz

https://normativ.kontur.ru/document?moduleId=41&documentId=248939

https://www.ifrs.org/home/

KORXONALARDA GILAM ISHLAB CHIQARISH JARAYONLARINING XUSUSIYATLARI

Tohir Sattorov – SamISI, "Buxgalteriya hisobi" mustaqil izlanuvchisi.

Annotatsiya. Ushbu maqolada korxonalarda ishlab chiqarish jarayonlari, ular tannarxini shakllantirishning xususiyatlari va moliyaviy barqarorligi, tannarning minimallashtrish va aniqlash tartibi keltirilgan.

Kalit so'zlar: Gilam, gilam mahsulotlari, gilam ishlab chiqarish, gilam ishlab chiqarish texnologik jarayoni, ishlab chiqarish harajatlari, tannarx.

Аннотация. В данной статье представлены производственные процессы на предприятиях, особенности их стоимостного формирования и финансовой устойчивости, порядок минимизации и определения затрат..

Ключевые слова: Ковры, ковровые изделия, ковровое производство, технологический процесс производства ковров, затраты на производство, себестоимость.

Abstract. This article presents production processes at enterprises, the features of their cost formation and financial stability, the procedure for minimizing and determining costs.

Keywords: Carpets, carpet products, carpet production, technological process of carpet production, production costs, cost price.

Respublikamizda so'ngi yillarda ishlab chiqarish faoliyatini rivojlantirish bo'yicha qator ishlar amalga oshirildi. Respublikamizda mahsulot ishlab chiqarish bilan shug'ullanuvchi sub'ektlar faoliyatini modernizatsiyalash, texnik va texnologik jihatdan yangilashni davom ettirish, sanoat korxonalarining

M UNDARIJA

I SHO'BA. MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA KORXONALARIDA AKTIV, MAJBURIYATLAR, XUSUSIY KAPITAL, DAROMADLAR VA XARAJATLARNI TAN OLISH VA BAHOLASH HAMDA MOLIYAVIY HISOBOT MASALALARI		
TASHNAZAROV SAMIDDIN NIZAMOVICH	"Молиявий бухгалтерия ҳисоби 2" фанидан чоп эттирилган янги дарслик халқаро стандартлар мазмунини ифода этади	5
TASHNAZAROV SAMIDDIN NIZAMOVICH	Халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобининг мазмунан янги кўрсаткичлари тан олиш ва баҳолаш масалалари	10
К.Б. УРАЗОВ – Ш.УМАРОВА	Корхоналар асосий бўлмаган фаолияти турларини бухгалтерия хисобида акс эттиришдаги ноаниқликларни бартараф этиш йуллари	18
Б.Ф. БОРОНОВ Ж.А.АБДУРАСУЛОВ	Молиявий инвестицияларнинг таснифи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш	24
БОРОНОВ Б.Ф. МУСТАФОЕВ А.Ф.	Нодавлат таълим ташкилотларида харажатларни тан олиш ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг долзарб асалалари	28
Б.Ф. БОРОНОВ МУХАММАДИЕВ З. У.	Рақамли иқтисодиёт шароитида капитал инвестицияларнинг айрим белгилари бўйича таснифий масалалари	32
АБДУФАТТО АХМЕДЖАНОВ	Некоторые вопросы повышении достоверности отчетной информации в кластерах	38
Б.Ф.БОРОНОВ Ж.А.АБДУРАСУЛОВ	Пул маблағлариининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи	41
Б.Ф. БОРОНОВ МУХАММАДИЕВ З. У	Рақамли иқтисодиёт шароитида капитал инвестицияларнинг айрим белгилари бўйича таснифий масалалари	46
U.A.SHIRINOV O.T.SHIRINOVA	Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida asosiy vositalar hisobini takomillashtirish	50
SHIRINOV U.A. AZIMOV I.	Inspection and control of production cost classification based on international standards	53
PASHAXODJAYEVA D IKROMOVA O.	Tijorat banklarida majburiyatlar hisobini xalqaro standartlar asosida yuritilishining ahamiyati	57

PASHAXODJAYEVA D IKROMOVA O	Majburiyatlar hisobining iqtisodiy mazmuni vauni xalqaro standartlar asosida akomillashtirish masalalari	60
ПАШАХОДЖАЕВА Д ДЖ, КАДЫРОВ АРСЛАН	Роль учёта основных средств в национальной и международной финансовой отчетности	64
ПАШАХОДЖАЕВА Д.ДЖ. СУВАНКУЛОВА Т	Учёт денежных средств	70
Ф.А.ИШОНКУЛОВА М.САЙФУЛЛАЕВА	Необходимость ускоренного перехода бухгалтерского учёта на международные стандарты финансовой отчётности.	74
Ф.А.ИШОНКУЛОВА М.НОСИРОВ	Роль и значение применение международных стандартов финансовой отчётности на практике в узбекистане	78
ABDULLAYEVA SEVARAXON XASANOVNA	Iqtisodiy barqarorlikka ta'sir etuvchi tashqi muhit omillarining o'ziga xos xususiyatlari	81
ПАШАХОДЖАЕВА ДЖ.ДЖ. МАДЖИДОВА А	Виды обязательств в условиях перехода на международные стандарты бухгалтерского учёта	85
ПАШАХОДЖАЕВА ДЖ.ДЖ. САИДМУРОДОВА Д	Чистая прибыль как объект бухгалтерского учёта	89
MEXMONALIYEV ULUG'BEK ERKINJON O'G'LI	Korxonalarda ichki nazorat tizimini takomillashtirish	92
QUDBIYEV NODIR TOHIROVICH	Ijara munosabatlarining bosqichlari, mohiyati va rasmiylashtirilishi.	95
G'ANIBAYEV ILXOMJON SHOKIRALIYEVICH	Avtomobil transporti korxonalarida xarajatlar hisobini mhxs asosida takomillashtirish masalalari	98
AXMADALIYEVA ZEBO ABDUXALIMOVNA	Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga ko'ra uzoq muddatli aktivlarning o'ziga xos jihatlari.	102
МАМАРАСУЛОВ ДИЁРБЕК АЛИЖОН УГЛИ	Анализ затрат на модернизацию и ремонт основного оборудования в сельскохозяйственных кластерах	105
YAHYOYEV TO'LQIN ISMATULLA O'G'LI	Buxgalteriya hisobi xalqaro standartiga ko'ra moliyaviy hisobotning birinchi shakli "Moliyaviy holat to'g'risidagi" hisobot elementlarining alohida xususiyatlari.	110

YAHYOYEV TO'LQIN ISMATULLA O'G'LI	Moliyaviy hisob xalqaro standartlariga ko'ra moliyaviy hisobotni ikkinchi shaklini shakllantirishni alohida xususiyatlari.	112
ТОҲИР ТОЛМАС ЎҒЛИ САТТОРОВ	Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда сотиш жараёни бухгалтерия ҳисобида молиялаштиришнинг салмоқли компоненти ва қайтариш ҳуқуқи	115
ТОҲИР ТОЛМАС ЎҒЛИ САТТОРОВ	Korxonalarda gilam ishlab chiqarish jarayonlarining xususiyatlari	130
ЭШОНҚУЛОВ АКМАЛ QUDRATOVICH	Пул маблағлари тушунчаси бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида тавсифи	135
A.Q. ESHONQULOV SADRIDDINOVA M. A.	Boshqaruv hisobida variable costing, absortion costing va standart costingning qo'llanishi	141
НУРНИЁЗОВ ФЕРУЗ АБДУРАШИД ЎҒЛИ	Корхоналаргакўрсатилаётган изматлардан бири электр энергия сохасини, Ўзбекистонда вужудга келиши ва бугунги холати	145
KHUDOYNAZAROVA DILNOZA GAFUROVA	Improving the accounting of financial investments in enterprises	149
XUDAYNAZAROVA D.G. XURRAMOVA SH. .Z	Korxonalarda mehnat haqi hisobini takomillashtirish	151
ЖАРИМБЕТОВ АЖИНИЯЗ КУРБАНБАЕВИЧ	Активлар қадрсизланиши ҳисобининг хориж тажрибаси	156
GUZAL DJUMAYEVA AXTAMOVNA	Foydalanish huquqi ko'rinishidagi aktivni baholash	159
A.M.MISIROV	Xalqaro standartlarga muvofiq moliyaviy holat to'g'risidagi hisobot tuzilishi va bhms bilan taqqoslanishi	165
Narzullayeva O.Q	Buxgalteriya hisobining milliy standartlarini xalqaro standartlar asosida muvofiqlashtirishning ahamiyati	169
II SHO'BA. BOB.INNAVOTSION IQTISODIYOT SHAROITIDA AUDITNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH VA O'TKAZISHNING TASHKILIY DASTAKLARI HAMDA METODOLOGIK MASALALARI		
ТУЛАХОДЖАЕВА М.М.ХОДЖАЕВА М	Экологический аудит: мировой опыт и практика в узбекистане	173

“BUXGALTERIYA HISOBINI MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARIGA JADAL O’TKZISHNING NAZARIY, TASHKILIY METODOLOGIK MASALALARI”

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLAR TO’PLAMI

(2025-yil 13-mart)

“STAP-SEL” MChJ nashriyoti,
Samarqand - 2025.

9619 

ISBN: 978-9910-702-93-8

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)
© **“STAP-SEL” MChJ** nashriyoti
Samarqand – 2025 y.

Qog‘oz bichimi A5, 60x84 $^{1}/_{16}$, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog‘i 23,87
Buyurtma № 0010A/25. Adadi 50 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo‘limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko’chasi 60-uy.